O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 6 апрель, шанба • №27 (11.415) • Эркин нархда сотилади

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

4 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Т. Миродилов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси А. Ахадов 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис қарори билан ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди.

Парламент "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.



Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўлида ўтказилган референдум улкан аҳамиятга эга эканлиги ва бу умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда жорий этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу туфайли қонун чиқарувчиларнинг бирламчи вазифаси давлат ҳокимияти органларини янги давр талаблари ва умумқабул қилинган демократик мезонларга мувофиқ ислоҳ қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратишдан иборатдир. "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари қабул қилиниши Олий Мажлис депутатларининг бу борадаги келгуси қонунчилик фаолияти учун катта аҳамиятга эга.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифларини инобатга олиб, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонунни қабул қилди ва "2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарорни маъқуллади.

Молия вазири М. Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни сессияга тақдим этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Муқобил хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.
2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш қомиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ. Ғуломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ.**

Шанбадан Шанбагача

## МАКТАБ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҚУРАЯПТИЛАР

**Бекобод туманидаги «Зафар» масъулияти чекланган. жамияти жамоаси 182 кишидан иборат бўлса ҳам, кўплаб ибратли ишларни амалга оширяпти.**

Қисқа вақт ичида «Бекобод» ширкат хўжалиги ҳудудида 360 ўринли мактаб қуриб битказилди. Наврўз арафасида Зафар қўрғонида 900 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Ўтган йили жамият ишчи-хизматчилари томонидан 352 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 8 миллион 300 минг сўм соф фойда олинди.

Зафарлик қурувчиларнинг жорий йилдаги режалари янада улкан. Оққўрғон тумани ҳамда Бекобод шаҳридаги коллеж биноларини таъмирлаш ва бир қанча қурилиш ишлари шулар сирасига киради.

*Акбар АЛЛАМУРОДОВ.*

## ФАХРИЙЛАР САЁҲАТИ

**«Қарияларни қадрлаш йили»да Янгийўл туман ҳокимлиги ва шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган жамғармалар бўлимлари фахрийлар ҳурмати, иззат-икромини ўрнига қўйишмоқда. Шу мақсадда кўпгина хайрия тадбирлари амалга оширилаяпти.**

Куни-кеча ҳокимлик ва «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими шундай тадбирлардан бирини уюштирдилар. Туман фуқаролар йиғинлари вакилларидан иборат 70 нафар кекса имом ал Бухорий мажмуини зиёрат этишди ҳамда кўҳна Самарқанднинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Бунинг учун «Тулпор» хусусий автокорхонаси учта «Отайўл» автобусини ажратди.

*Нафиса АБДУРАҲМОНОВА.*

## Бугунги сонда:

**ЁНИҚ СЎЗ ЖОЗИБАСИ**
Воизлар тайёр матнга суяниб, маъруза қилувчилар эмас, балки ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни халқ онгига етказиб берувчилар бўлиши керак.
2-бет

**СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ**
Шу кунларда улуғ бобомизнинг 666 йиллик тўйларини нишонлаш арафасида «Амир Темур абадияти» мавзуида маънавий-маърифий ҳафталик ўтказилмоқда. 9 апрель куни эса, бу тадбирларнинг давоми сифатида ўзига хос тантаналар ташкил этилади.
3-бет

**СПОРТ**
«Насаф» кореялик чармтўпчиларга имкониятни бой берди. Финалга йўл олган «Сувон Самсунг Блувингз» жамоаси учрашувни бой берадими, йўқми, барибир кубок жанубий кореяликларда. Чунки финалда икки ватандош ўзаро баҳслашадилар.
6-бет

**ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА**
Ёсир Арофат Фаластинни тарк этса, Яқин Шарқда вазият яхшиланадими? Ваҳоланки, Арофат Фаластиннинг дунё тан олган йўлбошчиси.
7-бет

**БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР**
Гулчеҳра бойлик, давлатга учгани билан енгилтабиат эмасди. Шунинг учун ҳам қиз йигитнинг бу касалини сезгандан сўнг уни ташлаб кетмади. Шифокорларга кўрсатди, иложи борича даволашга ҳаракат қилди. Аммо йигит...
8-бет

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримов қўшимча маъруза қилди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Парламент сессиясининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарикнинг Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р. Каримов "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Парламент қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

* * *

Тошкентда 5 апрель куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш муддатлари ҳақида кўплаб саволлар келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдуми қарорлари ва "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш таклифини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу таклифни қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш муддатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қўйди.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби суғурта тизимини кенг қўллаш зарурлигини таъкидлади. Суғурта ҳаётимизнинг меъёрига айланиши лозим, шу сабабли уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур.

Депутатлар қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев ахборот берди.

Президент Ислом Каримов ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида чиқиндиларга эгалик қилиш ҳуқуқларига оид моддага ўзгартириш киритишни таклиф этди.

Олий Мажлис давлатимиз раҳбари таклифини инобатга олиб, мазкур қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессия парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси котибияти раҳбари Г.Латипованинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини маъқуллади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида маъруза қилди. Депутатлар ушбу ҳужжатни тасдиқлашди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

## ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

- Мамлакатимизга ташриф буюрган Австрия "Контролбанки" Ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудольф Шолтен, Германиянинг "Гермес" суғурта жамияти Ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Ҳанс Янус ҳамда Италиянинг "САЧЕ" экспорт кредитларини суғурталаш бўйича институти Бош директори Жоржио Теллини Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун сармоя жалб этиш борасида ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон тижорат банклари билан биргаликда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.
- Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари" — ИнтерФуд Ўзбекистон 2002 — иккинчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма Британиянинг ITE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг республикамиздаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси ва "Ўзмевасабзавот" уюшмаси мазкур кўргазмага расмий ёрдам кўрсатмоқда.
- Тошкентдаги Бунёдкор ёшлар телеклубида "Профессионал журналист кадрлар тайёрлаш — давр талаби" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистлар, ўқитувчи-мураббийлар ва олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.
- Ангрен шаҳридаги академик-лицей ўқувчиси Хуршид Абдуллаев Тошкент вилоят давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, биология фанлари номзоди Мирвоҳид Миркомилов раҳбарлигида ўзи истиқомат қилаётган Облиқ қишлоғининг доривор ўсимликлари устида олиб борган илмий тадқиқоти учун ЎзФАнинг йиллик илмий стипендиясига сазовор бўлди.
- Республика Байналмилал маданият марказида "Миллатлараро тотувлик, тинчлик ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзуига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда республика нашрлари, ахборот агентликлари, телевидение ва радио журналистлари, миллий маданий марказлар раислари иштирок этди.
- Тошкент давлат юридик институти олимлари томонидан тайёрланган "Экология ҳуқуқи" китоби чоп этилди. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик сифатида яратилган мазкур нашр Очиқ жамият институти Кўмак жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳомийлигида босилди.

## СУМАЛАК БАҲОНАСИДА

***Янгийўл туман халқ таълими бўлими ва «Нуроний» жамғармаси Наврўз муносабати билан фахрийлар учун катта дастурхон ёздилар. Сумалак, кўк сомса ва бошқа ноз-неъматлар қўйилган дастурхон атрофига икки юз нафар фахрий кексалар — маориф ходимлари таклиф этилди. Улар ўзаро суҳбатлашиб, чақчақлашиб ўтирдилар.***

Санъаткорлар ва бадиий дасталар аъзолари қариялар хизматида бўлишди. Тошкентдаги республика давлат миллий театри артистларидан Тоҳир Саидов, Фатхулла Маъсудов ва Қаҳрамон Абдураҳимовлар ўзлари иштирок этган саҳна асарларидан парчалар ижро этиб, ичак узди ҳангомалари, латифалари билан барчанинг кўнглини хушнуд қилдилар. Зиёфат охирида фахрийларга эсдалик совғалари ҳам тарқатилди.

***Ўз мухбиримиз.***

**29 март куни Қибрай тумани маданият саройида ўтказилган Воизлар кўрик-танловининг вилоят босқичи сўз айтиш, маъруза қилиш қудрати, ёниқ сўзнинг жозибаси қалбларга жуда тез ва осон етиб боришини яна бир карра намойиш этди.**

Танлов

## ЁНИҚ СЎЗ ЖОЗИБАСИ

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ташкил этган мазкур танловда вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган ўн нафар воизлар беллашдилар.

Воизлар тайёр матнга суяниб маъруза қилувчилар эмас, балки халқ руҳиятини англашга, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларни, демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ишларни халқ онгига етказиб бера олиш салоҳиятига эга бўлган қобилиятли кишилардир.

Воизлар биринчи навбатда ўзлари эгаллаган билимларни халққа етказа оладиган, айтаётган сўзларига ишонтира оладиган даъватчилар, элнинг назарига тушган ташкилотчилар ҳамдир.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, танлов ҳайъати асосий эътиборни воизларнинг минбарда ўзларини тутишлари, нутқ маданияти, берилган саволга тўғри ва лўнда қилиб жавоб бера олишлари, муҳими, тингловчиларни жалб қила олиш қобилиятларини синовдан ўтказишга қаратди. Албатта, танловда воизнинг ҳозиржавоблиги, фалсафий мушоҳада қила олиши, ўз фикрини ҳаётий мисоллар билан тўлдира олишига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тадбир иштирокчилари чиндан ҳам яхши маърузачи, ўктам ва қатъиятли, билимдон эканликларини кўрсата олдилар. Танлов шартига кўра воизлар ўзларини таништирдилар, сўнгра «Ватанни ким қандай таърифлайди?», «Миллий орият нима?», «Менинг фарзандим ва жамият», «Аждодлар олдидаги бурч ва вазифалар», «Муҳаббат», «Мустақил эл бўлишнинг масъулиятлари» каби мавзулардан бирини танлаб, маъруза қилдилар.

Қатнашчиларнинг турмуш тажрибалари, билим доиралари бой эканлиги сабабли ҳам танлов ғолибини аниқлаш осон кечмади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тадбир жараёнида воизлар имкон қадар томошабинлар билан мулоқотга киришиб, ўз маҳоратларини намойиш эта билдилар.

Қизғин мунозараларга сабаб бўлган Воизлар танловида ўзининг дадиллиги, сўзамоллиги, муҳими томошабинларни жалб эта олиш қобилиятини кўрсата олган қибрайлик 18-ўрта мактаб ўқитувчиси Донохон Ёқубова ғолиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўрин эса, Бўка туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси Оллоберди Рустамова ва Паркент туманидаги 27-ўрта мактаб директори Ўғилой Қурбоноваларга насиб этди.

Ғолибларга ва барча иштирокчиларга танлов ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Энди қибрайлик воиз Донохон Ёқубова республика танловида қатнашиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»***
***махсус мухбири.***

Тадбир

## ТЕХНИК МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

***Республика фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармаси ва Чирчиқ шаҳар бўлими биргаликда навбатдаги тактик машғулотни ўтказдилар.***

Унда фавқулодда ҳодисалар юз берганда, уни бартараф этиш, емирилган биноларда қутқарув ишларини олиб бориш, жисмоний зарар кўрган ва газдан заҳарланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинни ўчириш, заҳарланган майдонларни махсус кимёвий моддалар ёрдамида зарарсизлантириш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш машқлари уюштирилди. Чирчиқда ўтказилган бу тадбирда шаҳарда фаолият кўрсатаётган «Нажоткор», «Халоскор» қидирув-қутқарув гуруҳлари, «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг санитария гуруҳи, тиббиёт ходимлари қатнашдилар. Улар фавқулодда вазиятлар шароитларида аниқ ва тезкорлик билан ҳаракат қилишни яна бир бор амалий сифатда кўрсатиб бердилар.

*9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун*

# СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ



**Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган соҳибқирон Амир Темур каби буюк шахслар тарихда жуда кам учрайди. Унинг босиб ўтган йўли, қилган ибратли ишлари, замондошларидан тортиб ҳозирги кундаги жаҳон аҳлини ҳам ҳайратга солмоқда.**

Амир Темур ҳақиқатдан ҳам ўз юртининг, халқининг фидойиси сифатида ўзидан аввалги шоҳларнинг биронтаси амалга оширолмаган вазифаларни адо этди. Жумладан, юртимизга бостириб кирган Чингизхон ва унинг ворисларига қарши мардонавор кураш олиб бориб, 1370 йили улардан юртимизни тозалади. Вайронага айланган шаҳарларни қайта тиклади, янгидан-янги қурилиш ишларини амалга оширди. Нафақат эл-юрт, балки, қўшни давлатлар тинчлигини бузаётган низоларни тугатди. Дунёда энг йирик, қудратли ва марказлашган давлат тузди. Ўзига хос давлат бошқарувини яратди, меросий анъаналарни ривожлантирди. «Буюк ипак йўли»ни тиклади. Умри давомида мамлакатни сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий марказга айлантириш мақсадида халқ фаровонлиги, юрт ободонлиги, эл осойишталиги, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданият ва санъатнинг равнақи йўлида тинимсиз кураш олиб бориб «Темурийлар ренессанси»га асос солди.

Амир Темур эришган муваффақиятлар ва давлатчилигимиздаги тараққиёт даражасини унинг ўғиллари ва набиралари давом эттириб, авлодларга бебаҳо, маънавий ва моддий мерос қолдирдилар.

Шунинг учун биз соҳибқирон Амир Темурдек аждодларимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мустақиллигимизнинг ўн биринчи йилида ҳаёт йўлининг барча жабҳалари бўйлаб илдам қадам ташлар эканмиз, Президентимизнинг «Тарих – халқ маънавиятининг асосидир» деган кенг маъноли иборалари ўз аксини топаётганлигининг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Бугунги кунда ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, улар яратган анъаналарнинг давомчилари қилиб тарбиялаш, улардаги миллий ғурурни юксалтириш учун тарихга ҳавас билан боқишни ўргатишликни ҳозирги ҳаёт тарзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Аҳмад Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо каби буюк зотларнинг хотираларини абадийлаштириш мақсадида республикамизнинг турли шаҳарларида уларга атаб ёдгорликлар ўрнатилди, музейлар қурилди. Жумладан, энг ёш ва истиқболи порлоқ ана шундай масканлардан Темурийлар тарихи Давлат музейи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига совға сифатида қисқа вақт ичида қуриб битказилди.

Шарқ услубида ҳозирги шарт-шароитларга мослаб қурилган, юқори техника воситаларига эга бўлган бу бино ўзининг нафислиги, салобати, гўзаллиги билан нафақат ҳамюртларимизни, ҳатто, тараққий этган хорижий давлатлардан ташриф буюраётган зиёратчиларни ҳам лол қолдирмоқда.

Темурийлар тарихи Давлат музейи салкам олти йиллик фаолияти давомида жуда кўплаб маънавий, маърифий ишлар (анжуманлар, тадбирлар, давра суҳбатлари ва кўргазмалар)ни амалга ошира бориб маънавият маркази сифатида ҳам танилиб қолди.

Шу давргача «Тасвирий санъат», «Ноёб қўлёзмалар», «Ўзбекистон мозий дурдоналари» каби ўнлаб кўргазмалар ташкил этилди. Бундай кўргазмаларни ўтказиш, айниқса, соҳибқирон Амир Темур таваллудини ҳар йили юқори савияда нишонлаш музей илмий жамоаси учун анъанавий одатга айланган.

Шу кунларда улуғ бобомизнинг 666 йиллик тўйларини нишонлаш арафасида «Амир Темур абадияти» мавзуида маънавий-маърифий ҳафталик ўтказилмоқда. 9 апрель куни эса, бу тадбирларнинг давоми сифатида ўзига хос тантаналар ташкил этилади. Тадбирларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, барча вилоятлар «Маънавият ва маърифат» марказлари, шунингдек, Юнусобод тумани ҳокимлиги, республика хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзбекмузей», «Маҳалла», «Нуроний» хайрия жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимларидан вакиллар қатнашади.

Тадбир соат 10.00да Амир Темур хиёбонидаги соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими билан бошланади. Шу куни тадбир иштирокчилари учун таниқли ва ёш санъаткорлар ижросида Ватанни, қадриятларимизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янграйди. Турли-туман кўргазмалар намойиш этилади. Музей заллари бўйлаб экскурсиялар уюштирилади. Тантаналар ниҳоясида етакчи ва ёш олимлар, талабалар, «Маънавият ва маърифат», ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказлари ходимлари иштирокида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўзида акс эттирадиган илмий анжуман бўлиб ўтади.

***Ўткир АЛИМОВ,***
***Темурийлар тарихи Давлат музейи директори муовини.***

## Парижда «Темурийлар» журнали

**Мустақиллик йилларида миллий онг, миллий ғуруримиз тикланди, моддий ва маънавий маданиятимизга бўлган меҳр янада ортди.**

Жумладан, тарихимизда ўчмас из қолдирган ва халқимизни дунёга танитган соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти, шахсияти тўғрисида ҳақиқатни тиклаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилди.

Дунёда Амир Темур тарихини ўрганишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Парижда "Темурийлар" журнали чоп этилаётгани бежиз эмас.

Бугунги кунда мамлакатимиз илмий муассасалари, ўқув юртларида соҳибқирон таваллудининг 666 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. "Амир Темур авлодлари" иқтидорли болалар республика анжумани қатнашчилари ижодидан намуналар кўргазмаси ташкил этилди.

***Ҳулкар СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

**Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги**

# ТАДБИРКОРЛИК ҲАМ САНЪАТ



**Бугун вилоятимизда тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ва етиштираётган маҳсулотлар, шунингдек, кўрсатаётган хизматлар кўлами кенгайиб бормоқда.**

Ана шундай ташаббускор, иш кўзини билувчи, ишбилармонлардан бири янгийўллик тадбиркор аёл Назира Мираҳмедовадир.

Асли касби савдо соҳаси билан боғлиқ бўлганлиги учун Н. Мираҳмедова дастлаб ишни гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконни ишга туширишдан бошлади. Натижа ёмон бўлмагач, атрофидагилар бу ишларни янада кенгайтиришни маслаҳат бердилар. Шундан сўнг Н. Мираҳмедова Янгийўл шаҳрида автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шаҳобча ва иккита китоб дўкони фаолиятини йўлга қўйди.

Бугунги кунга келиб у раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик тузилмаларида 40 дан зиёд янгийўлликлар ўз иш ўринларига эга бўлдилар.



Яқинда яна бир ишга қўл урилди. Эллик бош чорвага мўлжалланган ферма қурилиши якунига етмоқда.

Н. Мираҳмедованинг тадбиркорлик ишлари билан бирга унинг меҳр-оқибати, хайр-саховати инсонлар қалбидан жой олиб улгурган.

Ҳар йили маҳаллаларда кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўз ҳисобидан ўтказиш унинг учун анъанага айланиб қолди.

Бундан ташқари, бу тиниб-тинчимас аёл маҳаллаларни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Яқинда Баҳор маҳалласида йўлларга асфальт ётқизилиб, ариқ бўйларига турли ниҳоллар экилди. Чўлпон номли маҳаллани ҳам ана шу тарзда ободонлаштириш режалаштирилмоқда.

Ҳамма ишга улгуришга интилувчи бу омилкор аёл хотин-қизлар қўмитаси раисаси сифатида фаолият юритадиган Мезон маҳалласида олиб борилаётган ишларни эса, алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Яқин икки йил ичида бу маҳаллада оилалар ўртасида ажралиш, қизларни ёш турмушга бериш ва йигитларни эрта уйлантириш ҳоллари кузатилмаган.

Хуллас, бугун Н. Мираҳмедованинг айни шижоати қайнаган пайт. Унинг ана шу ташаббускорлиги, туман ва шаҳар тараққиётига қўшаётган ҳиссаси фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***



*СУРАТЛАРДА: 1. Тадбиркор Назира Мираҳмедова (чапдан иккинчи) маҳалладошлари Сафура Керменчикли, Ойша Велиева ва маҳалла оқсоқоли Ражаб Камолов билан суҳбатда. 2. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шаҳобчасида. 3. Янги бунёд этилаётган ферма қурилишида.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ПОСБОНЛАРГА СОВҒА

***«Элдор» хусусий фирмаси Ангрендаги илғор тадбиркорлик тузилмалари қаторига киради.***

Унга қарашли савдо ва умумий овқатланиш, маданий муассасалар аҳолига турли хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйган. Фирма раҳбари Собир Мамаразҙоқов кўрилаётган фойданинг муайян қисмини хайрия тадбирларига ажратмоқда.

Тадбиркор шаҳарда милиция таянч пункти учун шинам бинони ҳадя этди. У ўз маблағи ҳисобига қаровсиз қолиб, путурдан кетган коттежни сотиб олди ва уни қайта қуриб жиҳозлади ва ички ишлар бўлими ихтиёрига берди.

***М. ҲАМИДОВ.***

## АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Наврўз кунлари вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида кўплаб иншоотлар қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.***

Куни кеча Зангиота тумани Хонобод қишлоғида жойлашган «Jokey» от спорти майдонида янги сартарошхона ва пойафзал устахонаси, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи мини маркет ҳамда дорихона иш бошлади.

У маҳаллий аҳоли ва спорт мусобақаларига келган меҳмонларга хизмат кўрсатади.

***Ўз мухбиримиз.***

Sport Sport Sport

**Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида 1984-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида каноэда эшкак эшиш бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

## ҚЎША-ҚЎША ОЛТИН МЕДАЛ

Унда спортнинг ушбу тури бирмунча ривож топган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент, Сирдарё, Андижон ва Самарқанд вилоятлари жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди. Айтиш мумкинки, вакилларимиз вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олдилар.

Масалан, спорт устаси Албина Ахмерова бир кишилик қайиқда барча рақибларини ортда қолдириб, республика чемпиони унвонини қўлга киритди. Жамоадоши Малика Йўлдошева билан икки кишилик қайиқда ҳам катта маҳорат кўрсатиб, вилоятимиз жамғармасига яна битта олтин медал келтирди. Малика Йўлдошева бошқарган тўрт кишилик қайиқда ҳам вакилларимизга тенг келадиган спортчилар топилмади.

Мусобақа якунига кўра Сирдарё вилояти жамоаси республика биринчилигининг ғолиби деб топилди. Вилоятимиз вакиллари эса, фахрли иккинчи ўринни эгалладилар. Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари учинчи бўлишди.

*Ўз мухбиримиз.*

## ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ БИРИНЧИ БЎЛИШДИ



*СУРАТДА: ғолибларимиз ўз мураббийлари билан.*

***Тошкент тумани спорт мажмуида 1991-1992 йилда туғилган қиз ва ўғил болалар ўртасида миллий спорт тури – якка кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.***

Қизиқарли беллашувларда вилоятимизнинг ёш спортчилари 6та олтин, 6та кумуш, 7та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлдилар. Самарқандлик ёшларга 2-ўрин, навоийлик спортчиларга 3-ўрин насиб этди. Ғолиблар Тошкент тумани ҳокимлиги ва ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

***Чирчиқ шаҳридаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Жалолиддин Мангуберди номли ўқ отиш спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.***

## ЙЎЛЛАНМАЛАР УЧУН КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Мусобақаларда шаҳар ва туманлардан келган 16та терма жамоалар иштирок этишди. Иштирокчилар узоқ масофага югуриш жараёнида ўқ отиш мусобақаларида куч синашдилар.

Худди шу куни ушбу спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича Республика биринчилигининг ҳудудий мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Сирдарё, Жиззах вилоятларининг терма жамоалари, ундан ташқари Республика спорт маркази ҳамда Ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари иштирок этдилар.

Мусобақа қатнашчилари спортнинг бир неча турлари бўйича беллашдилар.

5-апрель куни эса, бу ерда мерганлик бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Республика финал мусобақалари 17-20 апрель кунлари Наманган вилоятида бўлиб ўтади.

*Ўз мухбиримиз.*

*Футбол*

## ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА БОРАДИ

**Теҳрон шаҳридаги 120 минг томошабинга мўлжалланган «Озоди» ўйингоҳида Осиё чемпионлари кубоги мусобақаларининг ярим финал учрашувлари ўтказилди.**

Биринчи бўлиб Қаршининг «Насаф» жамоаси билан Жанубий Кореянинг «Сувон Самсунг Блувингз» жамоалари майдонга тушди. Эрталабдан бошлаган ёмғир яшил майдонда кўлмаклар ҳосил қилганига қарамай, футболчилар шижоат билан ҳаракат қилдилар. Танаффусгача дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Иккинчи бўлимда Жанубий кореялик футболчилар ташаббусга эришдилар ва 50-дақиқада ҳисобни очдилар. Ёмғир жуда кучайиб, майдонда тўп суришнинг имкони бўлмай қолгач, ҳакам учрашувни бир соатга тўхтатиб туришга мажбур бўлди. Сўнгра жамоалар майдонга тушдилар. Жанубий кореялик футболчилар «Насаф» дарвозасига яна иккита тўп киритишга эришдилар.

Эроннинг «Истиқлол» жамоаси ўз майдонида ўйнаган бўлишига қарамай, Жанубий Кореянинг «Аянг LG» жамоасига 2:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Осиё чемпионлари кубогини қўлга киритиш учун майдонда Жанубий Кореянинг икки жамоаси «Сувон Самсунг Блувингз» ва «Аянг LG» жамоалари баҳс юритадилар. Ким ютиб чиқишидан қатъий назар кубок Жанубий кореяликларга насиб этади.

## «АЛ ҲИЛОЛ» – ОСИЁ КУБОК ЭГАЛАРИ КУБОГИНИНГ СОҲИБИ



**Осиё кубок эгалари кубоги мусобақалари ҳам поёнига етди.**

Саудия Арабистонининг «Ал Ҳилол» жамоаси ярим финалда Катарнинг «Ал Садд» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғолиб чиқиб, финалда Жанубий Кореянинг «Чонгбук Хундай» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этди ва ўз мамлакатига иккинчи бор кубокни тақдим этди. Бу кубок мусобақалари 1990 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 1996-97 йили «Ал Ҳилол» жамоаси биринчи бор финал босқичида Япониянинг «Ногая Комус» жамоасини мағлуб этиб, кубокни қўлга киритган эди. Осиё кубок эгалари кубоги мусобақалари ўн икки марта ўтказилди. Саудия Арабистони футболчилари олти, Япония вакиллари беш марта кубокни қўлга киритдилар. Эронлик футболчилар бир марта кубок соҳиби бўлдилар.

*Талъат ЮСУПОВ.*

***Шри-Ланка пойтахти Коломбо шаҳрида ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақа ўз бағрига ўн минг мухлисни сиғдира оладиган стадионда ўтказилди.***

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Турнирда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Эрон, Индонезия, Сингапур, Шри-Ланка каби ўнга яқин мамлакат спортчилари ўзаро беллашди.

Ўзбек курашида мутлоқ вазн тоифасида кечадиган беллашувларга мухлису мутахассисларнинг қизиқиши ўзгача бўлади. Чунки энг жозибадор, қизиқарли ва муросасиз олишувлар мутлоқ вазнда кечиши шубҳасиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мутлоқ вазнда оғирлиги 81 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида иккинчи ўринни олган ҳамюртимиз Илҳом Шералиевга тенг келадиган топилмади. Кейинги ўринларни ўз вазн тоифаларида ғалаба қозонган ҳиндистонлик кураш усталари – Вирендер Сингх, Рам Нивас ва Анил Кумар эгаллади.

Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) шафеълигида дунё бўйлаб бундай нуфузли турнирларнинг муваффақиятли ташкил этилиши ўзбек курашини қитъа ва Олимпиада ўйинлари дастурига киритилишига пухта замин бўлмоқда.

*ЎзА.*


## «УСКУНАҚУРУВЧИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**ўз акциядорларига шуни маълум қиладики, акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши шу йил 8 май куни соат 10.00да қуйидаги манзилда ўтказилади:**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони, «Ускунақурувчи» ОАЖ йиллик умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорлар рўйхати 2002 йил 20 мартда тузилган.

**Кун тартиби:**

1. Жамиятнинг 2001 йилдаги иқтисодий-хўжалик фаолияти ва 2002 йилги вазифалари ҳақида бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботи.
3. 2001 йилги қимматбаҳо қоғозлар бўйича йиллик ҳисоботни, бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
4. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2001 йилги фойдани тақсимлаш.
6. Бошқа масалалар.

*КУЗАТУВ КЕНГАШИ.*

**Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Тошкент вилояти бошқармаси Оққўрғон қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Нурообод (Ангрен шаҳри)даги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директорлари бўш ўринларини эгаллаш учун танлов эълон қилади. Танлов шартлари билан вилоят бошқармасида танишиш мумкин. Тел.: 66-16-51, 66-09-59.**






## Eng so'nggi xabarlar

Покистон ҳукумати ўтган ҳафта Файсалаҳад ва Лаҳор шаҳарларида ҳибсга олинган 20 нафар жангарини АҚШ хавфсизлик кучлари ихтиёрига топширди. Хабарларга кўра, улар тез кунларда АҚШнинг Гуантанамодаги "Толибон" ҳамда "Ал-Қоида" жангарилари сақланаётган ҳарбий лагерига жўнатилади.

Айни пайтда уларнинг шахси аниқланмоқда. АҚШ махсус хизмат вакилларининг айтишича, ҳибсга олинганлар орасида "Ал-Қоида" экстремистик гуруҳининг етакчиларидан бири Абу Зубайда ҳам бўлиши мумкин.

Эквадорда уч ҳафтадан бери давом этаётган ёғингарчилик сув тошқинини юзага келтирди. Натижада камида йигирмага яқин одам ҳалок бўлди, минглаб одам бошпанасиз қолди. Табиий офатдан мамлакатнинг Тинч океанига туташган вилоятлари кўп талофат кўрди. Айрим ҳудудларда сувнинг сатҳи икки метрга етди.

"Ал-Жазира" телеканалининг хабар қилишича, Исроил аскарлари Рамаллоҳ шаҳрида ҳибсда турган Фаластин хавфсизлик хизматининг 30 нафар ходимини қатл этган. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Калкилия ва Вифлеем шаҳарлари тўлиқ Исроил назоратига ўтган.

Ингушетиянинг Чеченистон билан чегарадош Маллгобек туманида қурол-яроғ сақланаётган ертўла топилди. Маҳаллий милициянинг маълум қилишича, ертўладан ўттизта гранатамёт, учта автомат, 5 килограмм пластит моддаси, пулемёт ва ўқ-дорилар чиққан. Ҳозир текширув ишлари ўтказилаяпти.

Буюк Британия ҳукумати Ироқда оммавий қирғин қуроли борлиги ёки бу мамлакат шундай қуролни қўлга киритишга ҳаракат қилаётгани тўғрисида исбот ва далилларга эга эмас. Мамлакат бош вазири девонхонаси шуни маълум қилди. Девонхона вакилининг таъкидлашича, ҳукумат бундай далилларни қўлга киритган заҳоти матбуотга эълон беради.


Англия.

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

### ЁҚАСИЗ КЎЙЛАКНИ КИМ КАШФ ЭТГАН?



Бугунги кунда жаҳоннинг барча халқлари ёзги кийимларига айланган футболка ихтирочилиги икки давлат орасида талаш бўлмоқда. Бунга АҚШнинг «Хейс» компанияси биринчи даъвогар бўлиб, уларнинг айтишларича, бу кийим улар томонидан 1910 йилда чиқарилган ички иссиқ кийим намунаси эмиш. Бироқ, Британия тарихчиларининг даъво қилишларича, бундай енги калта кийим бундан 150 йил муқаддам инглиз денгизчиларининг ҳарбий кийимлари бўлган. Аммо, ҳарбий назорат вақтида қиролича Викторияга ёқмаганлиги учун истеъмолдан чиқарилган.

Шарҳловчи минбари

# ЁСИР АРАФОТ ФАЛАСТИНДАН КЕТАДИМИ?

**Яқин Шарқда вазият кескинлигича қолмоқда. Куни кеча Исроил ҳукумати Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотни тинчлик жараёнининг душмани, деб эълон қилди. Исроил армияси эса у турган қароргоҳни вайрон қилди.**

Нетаниядаги террорчилик ва унга жавобан Исроил ҳукумати уюштирган ҳарбий операциялар Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини бутунлай боши берк кўчага киритиб қўйди.

Айни пайтда Исроил ҳарбийлари Ёсир Арафот қароргоҳига ҳеч кимни киритмаяпти. Арафотнинг ҳаёти эса хавф остида қолмоқда. Бундан ташвишга тушаётган жаҳон ҳамжамияти, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар Исроил ҳукуматидан ҳарбий операцияларни бас қилиб, армияни Фаластин еридан олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқда. Қатор давлатлар раҳбарларидан Исроил бош вазири Ариэл Шарон номига келаётган мактубларда айтилишича, Яқин Шарқ муаммосини фақат тинч йўл билан ҳал этиш мумкин. Исроилнинг ҳарбий тадбирлари минтақадаги вазиятни фақат оғирлаштириши мумкин.

Шунга қарамай, Исроил армияси Фаластин шаҳарларини эгаллаб олишда давом этмоқда. Шу вақтгача ҳарбий операциялар мобайнида етти юздан ортиқ фаластинлик ҳибсга олинди. Қароргоҳига қамаб қўйилган Ёсир Арафотнинг тақдири қандай ҳал этилиши номаълум.

Куни кеча Исроил ҳукумати Арафотни Европа мамлакатларидан бирига бадарға қилиш таклифини илгари сурди. Хабарларга кўра, бу таклифни Ариэл Шарон девони вакиллари Европадан Арафот билан учрашиш ниятида келган бир гуруҳ дипломатларга маълум қилган. Расмий Тел-Авив вакилларининг айтишича, европалик дипломатлар Арафотни Фаластинни тарк этишга кўндирсагина Рамаллоҳ шаҳрига киритилиши мумкин.

Хабарларга қараганда, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ушбу масалани Миср раҳбарияти билан ҳам муҳокама қилган. Бироқ, унинг қайси мамлакатдан бошпана топиши ҳақида аниқ гап айтилмаган. Исроил учун Арафотнинг қайси мамлакатдан паноҳ топиши барибир. Миср ҳукумати эса Исроилнинг бу таклифига мутлақо қарши.

Хўш, Ёсир Арафот Фаластинни тарк этса, Яқин Шарқда вазият яхшиланадими? Террорчилик барҳам топиб, томонлар тинчлик музокараларига қайтармикан? Бунга халқаро ҳамжамиятнинг жавоби қандай бўлади? Гап шундаки, Ёсир Арафот Фаластин халқининг дунё тан олган йўлбошчиси ҳисобланади. У Фаластин миллий маъмуриятининг қонуний раҳбари. Бинобарин, у бадарға қилинса, аҳвол баттарлашиши тайин. Чунки, унга таҳдид Фаластин халқига нисбатан таҳдид сифатида қабул қилинади. Шундай экан, муаммони ҳал этишнинг аниқ йўли ўзаро айбловларга барҳам бериб, яна музокара бошлашдир. Халқаро ҳамжамиятнинг якдиллик билан билдираётган фикри ҳам шундай.

*Саидмурод РАҲИМОВ,*
*ЎзА шарҳловчиси.*

## Турфа олам

### ГУЛЛИВЕР УЗУГИ



Энг йирик узук Араб Амирликларида тайёрланди. У энига 70 сантиметр ва 62 килограмм оғирликка эга бўлиб, умумий вазни 25 минг каратли еттита цирконий кристали билан безатилган. Уни 50 нафар уста заргарлар 45 кун ичида 615 та олтин қисмлардан тайёрлашди. 2 миллион доллар қийматга эга «Гулливер узуги» Гиннес рекордлар китобига дунёдаги энг йирик заргарлик буюми сифатида киритилди. Ҳозир узук Дубайдаги савдо марказларидан бирида сақланмоқда. Маълум бўлишича, узукни қисмларга бўлиб, кимошди савдоларида сотилиши ҳам кўзда тутилган.

### ЯНГИ КАСБ ЎРГАНАДИЛАР



Франциялик ўт ўчирувчилар бундан буён янги касб ўрганишларига тўғри келади. Жониворларни овлаш кўникмаларини эгаллашда Франция жанубидаги Воклюз департаменти ўт ўчирувчилари биринчи бўлиб махсус ўқувдан ўтишди. Рейтер агентлигининг хабар беришича, ғайритабиий жониворларни боқишга ружу қўйган французлар уйдан қочиб кетган илон ёки тимсоҳни ушлаш учун ўт ўчирувчилар хизматидан фойдалана бошлашди.

### ШОХЛИ ҚУШ

Биз шохли мол, кийик, эчкиларни кўрганмиз. Бироқ, қушнинг шохи борлигини эшитганмисиз? Шунақаси ҳам бўлар экан. Аллақачонлардан буён «Қизил китоб»га тушган, Анд тоғларидаги Боливиянинг Амберо қўриқхонасида яшовчи ажойиб кўк шохли бу қуш қаттиқ муҳофаза остида сақланмоқда. Қарангки, бу қуш шундай ҳуркак ва хушёр эканки, уларнинг ташвишида қўриқхона ходимлари турли жойлардан боғ томошасига келган одамлар сонини чеклашар экан.

### СОЧЛАРИНГИЗНИ БЕКОРГА КЕСМАНГ



Дунёда кесилган кокиллардан унумли фойдалана оладиган қизлар ҳам бор экан. АҚШнинг Шимолий Каролина штати Фейсет Вилл шаҳрида яшовчи Марта Хейес исмли қиз ўз сочидан ростмана кўйлак тикиб олибди. Марта жигарранг сочдан тўқилган, тиззасигача тушадиган ушбу янги либосини кийиб, шаҳардаги дугоналарининг кўзларини куйдирганча, айланиб юрди. Унинг айтишича, кўйлакни совунда эмас, балки одатдагидек машҳур шампунларда ювармиш.

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

Танлов

# «Томчи сувда — ҳаёт жилваси»

**Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги, "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган "Томчи сувда – ҳаёт жилваси" кўрик-танлови якунланди.**

– Улғайиб келаётган авлод шуурига табиатнинг азиз неъмати – сувдан оқилона фойдаланиш туйғусини сингдиришга қаратилган мазкур танловда республикамизнинг мингдан ортиқ умумтаълим муассасалари иштирок этди, – деди Таълим маркази соғломлаштириш бўлими мудири Г. Солиҳова ЎзА мухбирига. – Танлов иштирокчилари учун махсус тадқиқот дафтарлари, ўқитувчиларга қўлланма ва плакатлар яратишда Осиё тараққиёт банкининг "Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси кўмагига таянилди.

Тўрт босқичда ўтказилган танлов якунига кўра Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 15-мактаб биринчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 10-мактаб иккинчи, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 1-мактаб учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

*Баҳор ХИДИРОВА,*
*ЎзА мухбири.*

Bolalik bog'i

## TOPISHMOQ

*Rangi qora, yashildir,*
*Barg, gullari hosildir.*
*Qaynoq suvga tushsa u,*
*Yoziladi namlanib.*
*Xushbo'y hidin taratib,*
*Maza berar damlanib.*
*Asta quyib uzatish,*
*Xizmat qilish, biz*
*yoshdan.*
*Yoshi ulug'larga u*
*Uzatilar bir boshdan.*



*(Choy)*

Буни ҳаёт дейдилар




Гулчеҳра ўзининг чиройлилигини биларди ва бу билан фахрланарди. Дарҳақиқат, у гўзал эди. Мактабда ўқиб юрганидаёқ, унга совчилар кела бошлади. Гулчеҳрани келин қилмоқчи бўлган оналар, ўзига ёр қилмоқчи бўлган йигитлар анчагина эди. Унисини ундай, бошқасини бундай деб, у кўп йигитларни рад этди. Баъзиларини ҳатто «Қурбақанинг ишқи маликага тушибди-ку», деб мазах ҳам қилди.

– Қиз боланинг ўзи чиройли бўлмаса ҳам, бахти чиройли бўлсин, – дерди доим бувиси. – Чиройлиман деб ўзингдан кетиб қолма, эслихушли бўлгин, болам.

– Бувинг тўғри айтяптилар, танлаб-танлаб тозисига учрамагин яна, – дерди опаси куюниб.

Бу гаплардан Гулчеҳранинг энсаси қотарди.

Аслида эса, бадавлат хонадонга келин бўлишни, бойвучча йигитга турмушга чиқишни истарди. У хоҳлаганича бўлди ҳам. Бир куни ўзига тўқ оиладан совчилар келишди. Ўртада турган танишларининг бу оила ҳақидаги мақтовлари, данғиллама ҳовли-жой, қўша-қўша машиналар, бўлғувчи келинга аталган антиқа тақинчоқлар ҳақидаги ҳикоялари Гулчеҳрани шошириб қўйди. Бунинг устига йигитнинг ташқи кўриниши ҳам рисоладагидек: баланд бўйли, келишган, қошкўзлари ҳам бинойидек. Нене йигитларга йўқ деган қиз, бу йигитга бир кўргандаёқ розилик берди. Янгасининг:

– Уч-тўрт маротаба учрашиб, бир-бирингизни яхшилаб ўргансаларинг бўларди, – деган гапларига унча эътибор ҳам бермади.

Қизларининг харҳашаларидан чарчаган ота-онаси ҳам эгасига бериб, тинчий қолайлик деб, жадал тўй ҳаракатига тушиб кетишди.

Тўйга тайёргарлик жараёнида йикки ёш бир-бирлари билан бир неча марта кўришишди, албатта. Лекин, орзуси ушалаётганидан дилини қандайдир сархушлик эгаллаган Гулчеҳра йигитни ўзини тутишидаги, гап-сўзларидаги ғайритабиийликни сезмади. Ўзини ҳаммадан дидли деб биладиган қиз, йигитнинг қимматбаҳо кийимларига, хориждан келтирилган машинасигагина аҳамият берар, унинг ички дунёси билан унчалик қизиқмасди, бунга вақт ҳам йўқ эди.

Тез орада дабдабали тўй ҳам бўлиб ўтди. Келинликнинг ҳаяжонли дамлари, келди-кетдилар билан бўлиб, дастлабки вақтларда Гулчеҳра куёвдаги ғайриоддий ҳаракатларни унчалик сезмади. Лекин, икки-уч ойларда куёвнинг бошқаларга ўхшамайдиган гап-сўзлари, қилиқлари билина бошлади. Бир нарсадан хавфсираб, шубҳаланди. Ахир у ҳамшира, тиббиётдан озми-кўпми хабари бор, қолаверса, куёвнинг бошқачароқ эканлигини сезиш учун тиббиёт ходими бўлиш шарт эмас эди. Ҳа, шубҳалари тўғри бўлиб чиқди. Куёв туғма телба эди. Руҳий касаллар рўйхатида турарди.

– Нимага бундай қилдингиз? – деган саволни кўзлари билан бериб қайнота, қайнона ва эрининг опаларига мўлтираб тикиларди Гулчеҳра. – Кўра била туриб, касал ўғлингизга соғлом қизни олиб бердингиз.

Аммо, на қайнота, на қайнонасидан, на тўйгача тилидан бол томиб укасини мақтаган қайнэгачиларидан садо чиқмасди.

– Энди нима қиламан? – шу биргина гапни такрорларди Гулчеҳра. Чунки бу пайтда у ҳомиладор эди. Гулчеҳра бойлик, давлатга учгани билан енгилтабиат эмасди. У тарбия топган оилада турмушга чиққан қиз борган ерида ҳар қандай шароитга ҳам кўникиб, яшаб кетиши керак деб уқтиришарди. Гулчеҳра ҳам аввалига бу фожеани ҳаммадан сир тутди. Ўзини жуда бахтли кўрсатиб юрди. Лекин, касални яширган билан... тез орада бу сирдан қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар огоҳ бўлдилар.

– Тезроқ ажралиш, – маслаҳат берди кўпчилик. – Бу касал тузалмайди. Фарзандингни ҳам соғ туғилиши гумон.

Аммо, Гулчеҳра тезда бир қарорга келмади. Бўлажак фарзандини ўйлади. Умид билан куёвни врачларга кўрсата бошлади. Бу орада у ўғиллик бўлди. Фарзанди ва ўзи учун ҳам яна елибюгуриб эрини малакали шифокорларга кўрсатди. Шу зайлда уч йил ўтди. Ҳамма шифокорлар бир хил жавоб беришди. Бу – руҳий хасталик, у тузалмайди. Худди шуни исботлагандек, эри тез-тез жазавага тушадиган, шунақа пайтларда қўлига тушган нарсани уриб, синдирадиган, Гулчеҳрани ҳам дўппослаб урадиган бўлди. Чорасиз қолган Гулчеҳра эри билан ажралишди. Қизлик уйига фарзанди билан қайтганидаги ҳолатини ҳеч қачон унутолмаса керак.

Мана бир неча йилдирки, у ёлғиз. Фарзанди ҳам катта бўлиб қолди. Тўғри, унга оғиз солганлар ҳам бўлди. Лекин, яна турмуш қуришга юраги дов бермайди. Турмуш ташвишларию, ёлғиз аёлнинг бошида бор қийинчиликларга чидаб яшамоқда.

– Мен барча нарсага бирдан эришмоқчи бўлиб, катта хато қилдим, – дейди Гулчеҳра армон билан. – Шунинг учун ҳам орзуларим сароб бўлиб чиқди. Катта ҳаёт бўсағасида турган қизларимиз менинг хатойимни такрорлашмасин.

***Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.***

Бекажон

## ПИШГАНИНИ ФАРҚЛАЙ ОЛАСИЗМИ?



- Овқатланганингиздан сўнг жиғилдон қайнаса, сабзи, турп каби сабзавотларни истеъмол қилсангиз яхши бўлади.
- Тухумнинг пишган ёки пишмаганлигини билишни истасангиз, уни думалатиб, айлантириб кўринг. Пишмаган тухум бир-икки марта айланиб тўхтайди, пишгани эса, узоқ айланиб туради.
- Идиш-товоқларни ювaётганингизда илиқ сувга бир оз туз солсангиз, идишингиз тез тоза бўлади.
- Овқатингиз ёғлиқ бўлиб қолса, кўк пиёз, укроп, кашнични кўпроқ қўшиб истеъмол қилинг ёки бўлмаса овқатдан сўнг нордон мевалардан тановул қилинг.
- Гуруч қайнаётган идишга бир чой қошиқда лимон сувидан қўшсангиз, гуруч оппоқ бўлиб пишади.
- Ошхона пичоқлари санчқи ва қошиқлар билан бир жойда сақланса, ўтмаслашиб қолади.
- Мабодо таомларни тоза чайилмаган идиш, косаларга солиб қўйсангиз сифати бузилади.
- Қайнатаётганингизда сутингиз куймаслиги учун идишни совуқ сувда чайишни унутманг.
- Қизиб турган идишга совуқ сув ёки ёғ қуйсангиз, сири кўчиб кетиши мумкин.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.***

Янги фильмлар

## АДИБ ВА ШИФОКОР ҲАҚИДА



**Пойтахтдаги Киночилар уйида "Ўзбеккино" давлат-акционерлик компанияси республика видеомарказида суратга олинган иккита ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди.**

"Инсонни енгиб бўлмайди" деб аталган биринчи фильм халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Фильм режиссёри – Эдуард Хачатуров, сценарий муаллифи – Тоир Юнус.

"Рангин дунё бу" деб аталган иккинчи фильм режиссёри Санжар Бобоев ҳамда сценарий муаллифлари Анна Иванова ва Рустам Шагаев томошабинларни шифокор-офтальмолог Зулфия Мақсудова билан таништиради.

## Кулганга нима етсин!

*Афандидан одамлар:*

*— Сиз каттами, акангиз каттами, — деб сўрашди.*

*— Бултур акам мендан бир ёш катта эди, бу йил ёшимиз баравар бўлса керак, — деди Афанди.*

* * *

*Афанди сигир олди. Хотини сигирни соғаётганида, сутга пашша тушди. Афанди пашшани икки бармоғи билан авайлаб олди-ю, қаноти билан оёғини ялаб қўйиб юборди.*

*— Вой, дадаси, мунча ҳам хасис бўлмасангиз, — деди хотини.*

*— Хасисликдан ялаганим йўқ, пашшага раҳмим келди, қози поччангни қўлига тушса, пашшани бира тўла еб қўяқолар эди.*

«Узпромавтоматика» МЧЖ банкрот деб эълон қилинаётгани сабабли барча кредиторлар шу йил 10 апрель куни соат 10.00да Олмалиқ шаҳри давлат солиқ инспекцияси биносига таклиф қилинади.

Бўка туманидаги 26-мактабдан Ойша Бектурсуновна Каримова номига 1991 йилда берилган 046408 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-277. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Адади 12441 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6